

МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ «ZAMIN OIL-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзили: 180100 Қашқадарё вилояти, Карши шаҳри, Шибабев кучаси, 1-уй 15-хонадон, тел. (+99891) 640 45 64, 91-462 41 58. Аудиторлик фаолияти буйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 05.04.2019 йилдаги № 00774 рақамли лицензияга эга. Х/р 2208000904162711001 ЎзСҚБ Қашқадарё минтақавий филиали МФО 00854 ОКЭД 69202

Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Буюртмачи: "Muborak paxta tozalsh" AJ х/р 20210000903904350001 АТБ "Агробанк" Муборак филиали МФО 00187 СТИР: 202619115 ОКОНХ 17111

Манзили: Қашқадарё вилояти, Муборак туман, Сардоба қургони

Мен, МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти Карши шаҳри Шибабев кучаси 1-уй 15-хонадонда жойлашган, СТИР 203869896, ОКЭД коди 69202, ҳисоб рақами 20208000904162711001 «Узсаноатқурилишбанк» Қашқадарё минтақавий филиали Карши шаҳри МФО 00854) аудитори Раҳмонов Баҳрон Абуевич (аудитор малака сертификатига № 05542 берилган санаси 22.12.2017 й.) хўжалик юритувчи субъект "MUBORAK PAXTA TOZALASH" AJнинг «Бухгалтерия баланси» 1-шакл, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" 2-шакл), ва бошқа ҳисоботдан фойдаланувчиларга топширилиши лозим булган ҳисоботлар" 2020 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини **мажбурий** тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "MUBORAK PAXTA TOZALASH" AJнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари буйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект "MUBORAK PAXTA TOZALASH" AJнинг 2020 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари буйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти директори:

30-апрел 2021 йил



Аудитор:

А.У. Хужакулов

Б.А. Раҳмонов